

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

“ИСПАЙСОЙ” да
МИКРОГЭС
ишга тушдиЯхши
хабарЎзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп миллатли халқимиз шу кунларда Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Айнан 1991 йил 31 август куни халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси — янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлгимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва аъёнларимиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Мустақил тараққиёт йўлидаги кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, янгиланган Конституциямизнинг қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганини яна бир бор яққол тасдиқлади.

Айниқса, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиб, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, юртимизнинг халқроқ миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида эришаётган натижаларимиз тобора яққол намоён бўлмоқда, уларни ҳар бир юрдошимиз ўз ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Дунёдаги мураккаб сиёсий-иқтисодий вазиятга қарамадан, бошланган ислохотларимизни изчил давом

эттириб, янги босқичга олиб чиқишда биз учун барча ютуқларимиз омили, куч-гайрат, ғурур ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётган Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, шону шуҳратига мос ҳолда муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамининг (кейинги ўринларда — Мустақиллик байрами) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда нишонланишини таъминласин;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, “уч авлод учрашуви” тадбирлари, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, миллий кино кунлари, гастрономик фестиваллар, сайиллар, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида атоқли илм-фан номиядалари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли спортчилардан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини таъминласин;

белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб босин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Кун тартиби

УСТОЗ-ШОИР
МАКТАБИ ЎРГАНИЛАДИ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Ўрта Чирчиқ туманидаги бир қатор уста-хунармандларнинг оилавий тадбиркорлик фаолиятлари билан танишди.

“Бунёдкор” маҳалласида бўлган масъуллар бугунги кунда 10 дан ортиқ ишсизларни банд қилган оилавий тадбиркор Қосимовлар хонадониди бўлишди.

Ибн Сино номли маҳалладаги хунарманд Ғулом Каримов ҳам вилоят раҳбари билан қилган мулоқотида келгусида фаолиятини ривожлантириб, ишчи кучи яратишда қўшимча маблағлар зарурлигини, бу борада амалий кўмак кераклигини таъкидлади.

Ўрганишлар давомида кўтарилган масалалар юзасидан масъулларга тегишли тартибда вазифалар юклатилди.

Вилоят ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Мамлакатимиз сув-энергетика салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш йўлида янги ГЭСларни қуриш бўйича тасдиқланган инвестициявий лойиҳалар асосида ҳудудларда жадаллик билан қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, Бўстонлиқ тумани Пском дарёсининг чап irmoғида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан татбиқ этилган лойиҳа асосида “Испайсой микроГЭСи” ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда мазкур лойиҳа энергетика тизими учун муҳим аҳамият касб этиши, аҳолини арзон электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қайд этилганидек, иншоотнинг қуввати 200 кВт бўлиб, ўртача йиллик электр энергия ишлаб чиқариши 1,75 миллион киловатт соатни ташкил этади. Мухими, янги микроГЭС маҳаллий аҳоли ва ушбу ҳудуд инфратузилмаси ривожини учун хизмат қилади.

Маълумот учун, Испайсой — Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Испай қишлоғидан оқиб ўтувчи Пском дарёсининг чап қирғоғига қуйилувчи сой бўлиб, узунлиги 13 километр, ҳажми 73 км³ни ташкил этади.



Кун тасвири

ЧИРЧИҚ шаҳридаги “Дўстлик”, “Камалак”, “Кимёгар”, “Чинор” ҳамда Амир Темури номли маҳаллалар ўз биносига эга бўлди. Эндиликда хотин-қизлар фаоли, участка нозир, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчилари фаолият олиб бориш учун зарур қулайликлар яратилди.

ОПМАЛИҚ шаҳрида сектор раҳбарлари ҳамда маҳалладаги бешлик ҳодимлари ишларида жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишлар юзасидан танқидий йиғилиш бўлиб ўтди.

БЕКОБОД туманида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида “маҳалладан хонадонгача” тамойили асосида ободонлаштириш тадбирларига старт берилди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманидаги “Баркамол авлод болалар маркази”да “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди. Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Мен ўстирдим
Шоир деган дарахт...

Шоирларнинг аксарият шеърлари қалб хотирасидаги булоқдан сув ичади. Ўтмиши ва кечмишининг ёруғ ёки қоронғу лавҳалари, шодлигининг ширин туйғулари ёки изтиробининг аччиқ сабоқлари шоир “шеър ибодати”га — “сажда”га юкинганида, сиёҳига қоришиб сатрларига сингийди.

Айрим шоирларда хотирадан улғи олиш фақатгина ўз ичкариси билан чекланиб қолса, қамрови кенг, миллатининг, халқининг шодлиғи изтироблари билан яшайдиган шоирларнинг шеърлари ўзи мансуб миллат ва халқнинг тарихидан сув ичади.

Устозимиз Абдулла Шернинг шеърляти худди ана

шундай шеърят. Шоир шеърларида бот-бот ўтмишга мурожаат қилади. Синчи шерхон нигоҳи билан кузатсангиз, миллат тарихи шоир шеърлятида гўёки шохларини тетик тутиб турган арчанинг ўқдек адл, бақувват марказий шохига ўхшайди.


4 ▶

Китоб жавонингизга

Ҳазрати муаллимнинг
УМР МАЗМУНИ

Салкам ярим асрдан буён қалам тебратиб келаётган таниқли журналист Фатҳиддин Муҳиддиновнинг номи кўпчиликка маълум. Ўтган йиллар давомида у ҳаммамиз учун қадрдон бўлган “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталарида бош муҳаррирлик қилди, нуфузли давлат идораларида масъул вазифаларда ишлади. Айни пайтда эса Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг турли йилларда чоп этилган юзлаб мақолалари жамоатчилик эътиборига тушган.

Яқинда Фатҳиддин Муҳиддиновнинг “Умр мазмуни” номли китоби чоп этилди. Биографик эссе жанридаги мазкур китоб муаллифнинг падари бузруквори — бутун умрини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган инсон, Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси Фазлиддин Муҳиддиновнинг ёрқин хотирасига бағишланади.



3 ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ
ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, бастакор ва балетмейстерлар, сахна ассомлари, истеъодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юрдошларимизнинг талаб ва истаклари асосида, бугунги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

янгиланган Конституциямиз мазмун-моҳияти ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий устувор йўналишлари доирасида белгиланган туб ислохотлар ҳақида маҳаллалар, таълим ва меҳнат жамоаларида маърифий учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

сўнгги йилларда республикаимиз иқтисодийнинг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни аниқ мисоллар асосида кенг ёритиш;

“**Хар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажақ учун пойдевор**” деган ҳаётий шiorнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш; соғлиқни сақлаш, илм-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ижтимоий дастурларга алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

Ватанимиз мустақиллиги, унинг ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳарбий жанговар қудратини ошириш ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, “**Халқ ва армия – бир тану бир жондир!**” тамойилини рўбга чиқариш мақсадида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш;

Мустақиллик байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонларимиз, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда эътибор ва қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёр-

дам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин ҳамда мазкур концерт томошасини юксак гоvвий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан биргаликда “**Она дйёр ранглар жилосида**”, “**Ватан учун яшайлик!**”, “**Энг улуг, энг азиз**” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқолини тараннум этувчи **энг яхши кўшиқ** ва **муסיқа асарлари** танловининг якуний босқичини ўтказсин; мазкур танловларнинг голиб ва совриндорларини Мустақиллик байра-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Обод манзиллар

Оҳангарон тумани аҳолиси тўлиқ электр энергияси билан таъминланган. Туманда 779,5 километр ҳаво тармоқлари, 252 дона трансформатор пункти, 17434 дона таянч устунлари ҳамда 7 дона 35-110 кВ. подстанциялар мавжуд.

АҲОЛИ ТАЛАБИ –
ҲАҚЛИ ТАЛАБ



Бироқ бугунги кунда уларнинг 30 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолган. Хусусан, 1965-1974 йилларда ўрнатилган симёғочлар ва уларга тортилган ҳаво тармоқларидан ҳозиргача фойдаланилмаяпти. Куз-қиш мавсумида туманининг тоғли ҳудудларида тез-тез электр энергиясидан узил-пиш ҳолатлари кузатилади.

Бунинг олдини олиш мақсадида тумандаги эскирган симёғочларнинг 1 минг 893 донаси янгиларига алмаштирилди. Таъмирталаб ҳолда бўлган 275 километрдан ортиқ ҳаво тармоқлари мукамал ва 538,6 километр қисми жорий таъмирдан чиқарилди. Яна 46 километр янги ҳаво тармоқлари тортилди. Натижада тумандаги, айниқса, тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга эришилди.

Туман ҳудуд жиҳатдан Андижон вилоятига тенг. Ҳудуднинг 60 фоизи тоғ ва қирликлардан иборат. Туманда умумфойдаланувдаги йўллар 233 километрни ташкил этади. Сўнгги икки йилда тоғли ҳудудлардаги тупроқли йўлларнинг 183 километри шағаллаштирилди, 60,4 километр ички йўллар асфальтланди, халқаро аҳамиятга эга бўлган А-373 автомобиль йўлининг 36

Абдулазиз МУСАЕВ



Имконият

КЎЗНИ ҚУВНАТАДИГАН
Мебеллар



Нурафшон шахрининг “Маърифат” маҳалласи охириги йилларда сезиларли даражада ривожланди. Бугунги кунда 2 минг 440 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада 40 га яқин тadbиркорлик субъектлари фаолият юритмокда. Бунинг ортидан ҳудуддаги қўлаб ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, улар орасида имконияти чекланган шахслар ҳам бор.

Маҳаллада 50 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган инсонлар истиқомат қилади, – дейди ҳоким ёрдамчиси Шерзод Душаев. – Уларнинг тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. 65 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якунигача 88 фоизга етказилади. Мисол учун, “Сусам” маҳалласида 14,5 километр ичимлик суви тармоқлари тортилиб, аҳоли тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Газ таъминоти узлуксизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмокда. Тумандаги 21 минг 882 та хонадоннинг 16 минг 630 таси табиий газ билан таъминланган. Тоғли ҳудудлардаги табиий газ таъминоти етиб бормаган маҳаллаларда 1 минг 952 та хонадонга йил бўйи суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилмокда. Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳолига узлуксиз, бир меъёрда табиий газ етказиб бериш мақсадида барча чоралар кўрилмокда.

Мазкур цехда асосан бо-



лалар мебели – каравот, шкаф, стол ва стул ишлаб чиқарилади. Бундан тўрт йил аввал 66 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига фаолиятини йўлга қўйган корхонада тайёрланаётган мебеллар сифат борасида хорижикидан қолишмайди.

– Цехдаги барча техникалар Туркиядан келтирилган, – дейди корхона иш бошқарувчиси Азиз Очилов. – Хом ашёни эса Россиядан олаимиз. Маҳсулотларимизни асосан болалар боғчаларига жўнатамиз. Бунинг учун тендерда иштирок этиб, боғчаларни жиҳозлар билан таъминлаш ҳуқуқини қўлга киритганмиз. Маълумки, боғчаларга ўрнатиладиган жиҳозларга махсус талаблар қўйилади. Шу сабаб ҳам маҳсулот сифатига катта аҳамият қаратамиз. Корхона ишчиларининг аксарияти но-

маҳаллада
ишлаб
чиқарилмокда



гиронлиги бўлган инсонлар. Уларга, аввало, ҳавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда ишлаш ўргатилади. Керакли кўникмаларни эгаллашгандан кейин иш бошлашади. Деярли барча ходимларимиз шу ерда ҳунар ўрганишган.

Дарвоқе, бу цехда тайёрланган мебеллар нафақат вилоятда, балки республикада ҳам яхши танилган. Шу боис ҳам қўлаб мактабгача таълим муассасаларига жиҳозлар айнан шу ердан олиб кетилмокда.

Обид ЖўРАЕВ
Ўткир ҲОШИМОВ
олган суратлар

Семинар

Яқинда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида аёллар жиноятчилигининг 40 фоизга яқини ишламайдиган ёки доимий банд бўлмаган хотин-қизлар томонидан содир этилгани, жиноятлардан 2,7 мингга яқин, оилавий зўравонликдан 20 мингга яқин аёллар жабр кўргани таъкидланиб, республикадаги айрим маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари институти қутилган натижани бермаётгани танқид қилинди ҳамда бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш борасида тегишли чоралар кўриш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар юклатилган эди.

ЖАМИЯТНИ ЕТАКЛОВЧИ КУЧ



Қўйи Чирчиқ туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Аёл – меҳр, садоқат, тараққи-

йўналтирилганлар 4 минг 746 нафарни ташкил этди. 9 минг 168 нафар хотин-қизга 193 млрд. 548 млн. сўм кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва сoломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-tadbирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан жойларда 34 та марказ ташкил этилиб, 1,3 мингга яқин хотин-қиз ўқитилди, 488 нафари ишга жойлаштирилди.

Семинарда бугунга қадар вилоятдаги 65,3 мингга яқин эҳтиёжманд хотин-қизларга ёрдам кўрсатилгани,



ёт тимсоли” мавзусидаги ўқув-семинар ана шу вазифалар ижросига қаратилди.

Унда вилоятдаги туман-шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлиmlари мутахассислари иштирок этишди.

– Ўтган давр мобайнида вилоятимизда 59 минг 310 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, – дейди

вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зухра Миргазиева. – Шундан доимий ишга жойлаштирилганлар сони қарийб 9 минг нафарни, касб-ҳунар ва тadbиркорликка ўқитилганлар 18 минг 70 нафарни, ҳунармандчилик ва фермерликка

72 нафари уй-жой билан таъминлангани, 14 минг 394 нафарига моддий ва тиббий ёрдам кўрсатилгани айтиб ўтилди. Шунингдек, ҳудудлардаги ҳолатга урғу қаратилиб, Чиноз туманида бу борада самарали ишлар олиб бoрилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда туман-шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлиmlари масъулларининг ҳисоботлари тингланиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли вазифалар берилди.

Суҳробеж САДИРОВ
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Танлов

8 ТА ЛОЙИҲАГА
330 МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига



2023 йил давлат гранти учун эълон қилинган 2-танлов бўйича тақдим этилган лойиҳалар комиссия аъзолари томонидан баҳоланди.

– Мазкур фонд 3 йилдан бери фаолият юритади, – дейди комиссия раиси Гулнора Абдуллаева. – Лойиҳалар 8 та йўналишда қабул қилинади. Ҳар бир йўналишда энг илғор деб топилган лойиҳаларга 40 миллиондан 50 миллион сўмгача маблағ ажратилади. Овоз бериш жараёнида натижалар бир хил бўлса, лойиҳанинг аҳамияти ҳамда ушбу танловда аввал иштирок этган ёки этмагани инoбатга олинади. Яъни, илгари иштирок этмаган лойиҳага имконият бeрилади.

Жорий йилги дастлабки танловнинг якуни бўйича 11 та лойиҳадан энг муносиб деб топилган 8 таси овоз бериш йўли орқали аниқлаб олинди. Фонд томонидан уларга жами 330 миллион сўм маблағ ажратилди.

Сардор САДИРОВ
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган сурат

табгача таълим муассасаси”, “Инновацион ёндашув” каби ўндан ортиқ танловлар ўтказилади.

Шунингдек, тadbирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида тарғибот ишларига танқидий санъаткорлар ҳам жалб этилади. Бундан ташқари, интернетнинг Ютуб каналда кибержиноятлардан ҳимояланиш бўйича тарғибот лавҳалари жойлаштирилиб, мунтазам равишда кўрсатиб бoрилади.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

ят кўрсатаётган аҳоли қамраб олинади.

Хусусан, ҳафталик давомида маҳаллаларда, таълим муассасаларида кибержиноятга қарши курашишни тарғиб қилувчи ҳамда ундан огоҳ бўлишга қаратилган “Энг фаол маҳалла инспектори”, “Банк картаси кодини ҳеч кимга бермаман”, “Энг оммабоп контент”, “Энг яхши контент”, “Энг фаол мактаб”, “Энг фаол мак-



дан ортиқ маҳаллалар, корхона-ташкilotлар, таълим муассасалари, шунингдек, бозорлар, савдо комплекслари ва жамоат жойларида фаоли-

Ҳафталик

КИБЕРМАКОН ТЎРИГА ИЛИНИБ ҚОЛМАНГ

Вилоятда кибержиноятларнинг олдини олиш, аҳолини виртуал муҳитдаги кибер таҳдидлардан огоҳлантириш ҳамда “рақамли иммунитет”ни шакллантириш мақсадида жорий йил 6 августга қадар “Cyber Week” номи остида “Кибермаконда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ҳафталиги” ўтказилмокда.

Бу ҳақда Ёшлар марказида ОАВ вакиллари иштирокида ташкил этилган семинарда вилоят Ички ишлар бош бошқармаси масъул ходими Д. Хўжақулов маълум қилди.

Таъкидланганидек, вилоят ҳокимининг фармойишига муvофиқ, ҳафталикни ўтказиш режа-тақвими ишлаб чиқилган бўлиб, тadbирларга 22 та шаҳар ва тумандаги 1 минг 20

Китобдан ўрин олган куйидаги шеърий сатрларни асар моҳиятининг мухтасар бир назмий баёнига менгзаш мумкин:

*Отажоним, биз фарзандларга,
Дийдорингиз мудом армондир.
Зотан, бугун зурриётларга,
Ҳаётингиз ибрат, дармондир.*

*Юрт қорига яраганларни,
Эл унутмас дуоларида.
Яратгандан истасимиз шу –
Яшанг иззат дунёларида.*

Дарҳақиқат, хотира – ёруғ жаҳонда эзгулик ва улуглик орузи билан яшовчи ҳар бир инсондан авлодларга қоладиган улкан маънавий мерос, одамийлик, меҳр-оқибат, муқаддас бурчни англатувчи, қалб ва юракларда мангу сақланадиган буюк инсоний туйғудир. Хотира туфайлигина эзгуликларга хизмат қилганларнинг унутилмас номлари, уларнинг намунали ҳаёт йўллари ҳурмат билан тилга олинади, авлодлар ришталари боғланади.

Дарвоқе, инсон умрининг мазмуни қандай мезонлар билан ўлчанади?

Китоб нима учун айнан “Умр мазмуни” деб номланган?

Муаллиф бунга изоҳ берар экан, шундай ёзади:

“...Инсон Аллоҳ берган умрни яшайди. Олтиш йил, саксон йил, юз йил, балки ундан ҳам узокроқ яшаши мумкин. Лекин, умрининг мазмуни нима билан ўлчанади? Кишининг неча йил умргузаронлик қилгани биланми ёки ҳаётида қолдирган излари, қилган эзгу амаллари биланми?.. Бизнингча, Аллоҳ субҳаноҳу таоло буюрган вазифаларни адо этиш, одамларнинг қорига яраш, хайрли ишлар қилиш, ўзидан яхши ном, солиҳ ва солиҳа фарзандлар қолдириш инсон умрининг мазмунини белгилаб берувчи асосий ўлчовдир...”

Ижодкор журналист муҳтарам падари бузруквори, бутун умрини таълим ва тарбия соҳасига бағишлаган инсон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фазлиддин Муҳиддинов тўғрисидаги хотираларни

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ёзиш орқали ўтган бобокалонлари ва авлод вакилларининг маҳалла, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширган олижаноб ва хайрли ишларини ёдга олади.

Эссе воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотларини аниқ-тиниқ ёритишдаги ҳужжатлилик, яқин ўтмиш одамларининг ҳаёт йўли, турфа тақдирларни акс эттиришдаги

даврида ва ундан кейинги йилларда шу ердаги Максим Горький номидаги ҳамда “Партия XXI съезди” хўжаликларида раис бўлиб ишлаган отамиз – Абдулҳақ Тоировни ва у кишининг шу ҳудуддаги кадрдонлари бўлган Меҳнат Қажрамони Раҳматилла Қамбаровни, Қирғизбой ота ва Аъзамжон Абдувалиевларни, Раҳим Дадахўжаев,

■ Китоб жавонингизга

лар билан бир сафда туриб ишлади, 56 йил давомида халқ таълими соҳасини кўтаришга, ёш авлодни илмли, билимли қилишга бутун умрини бағишлади. Бу суронли йилларда у киши ўз вақтида то-

аллимларга нисбатан алоҳида эҳтиром руҳида тарбияланганмиз. Шунданми, ҳазрати муаллимлар ҳақида ёзилган дил изҳорлари, бадиий асарларни алоҳида қониқиб билан мириқиб мутолаа қиламан.

Фазлиддин ота Муҳиддиновга мустақилликкача 77 йил ва Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин, бироз яшаш насиб этди...

Отаҳон ҳаётининг аксар қисми турли табиий, тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан тўлиб-тошган йилларда кечди. Ўша авлод вакилларини даҳшатли уруш ва ундан кейинги машаққатли тикланиш йилларининг асл қаҳрамонлари, десак асло муболага бўлмайди.

Бу йиллар давомида Фазлиддин ота билимдон, тажрибали, моҳир устоз, қомил инсон сифатида шаклланди, ажойиб оилага бош бўлиб, рафиқалари Мукаррамхон ая билан меҳнаткаш, ватанпарвар фарзандларни тарбиялашди. Унинг юзлаб меҳнаткаш, имон-этиқодли, фидойи шогирдлари бугунги кунда турли жаҳаларда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Фатҳиддин Муҳиддиновнинг «Умр мазмуни» биографик эссеси китобхонларга ажойиб совғаидир. Бу китоб барчани ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч билан қарашга ундаши билан ҳам қимматлидир. Зотан, Президентимиз бошчилигида Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс асосларини яратишга бел боғлаган маърифатпарвар халқимиз ўзининг ёруғ истикболини таълимга эътибор, ёш авлодни тарихга ҳурмат, юксак маънавият руҳида тарбиялаш, муаллим кадрини улуглаш, унга муносиб эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш каби олижаноб мақсадлар устига қурмоқда. Бу йўлда ўтган улуг устоз ва муаллимларнинг ибратли умрлари, бой ҳаётий тажрибалари йўлчи юлдуз вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Ҳазрати муаллимнинг УМР МАЗМУНИ

ҳаққонийлиги, раvon тили билан ўзига ром этади.

“Умр мазмуни” китоби бош қаҳрамонининг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолияти Зангиота туманидаги сўлим Хонобод қишлоғи билан боғлиқдир.

Фазлиддин Муҳиддинов 1914 йилнинг 3 сентябрида шу қишлоқда таваллуд топган. Мактаб ва педтехникумда билим олгач, меҳнат фаолиятини Тошкентдаги кечки ишчи-деҳқон мактабларида ўқитувчиликдан бошлаган. 1940-йил Қорасув туманидаги 89-сонли мактабда ишлаган пайтида ҳарбий хизматга чақирилиб, дастлаб фин урушида, кейин 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

Урушдан ногирон бўлиб қайтганига қарамай, 1945-1974 йиллар давомида собиқ Қорасув тумани маориф бўлимида мудири, Калинин (ҳозир Зангиота), Оржоникидзе (ҳозир Қибрай), Ленин (ҳозир Миробод) туманларидаги қатор мактабларда директорлик қилди ва тарих фанидан дарс берди. 1975 йилнинг сентябрида пенсияга чиққач, умрининг охиригача “Хонобод” маҳалласини бошқарди. Етти маротаба туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутати этиб сайланди...

Хонободлик отахон ҳақидаги китоби ўқир эканман, Иккинчи жаҳон уруши

Мастура Ёкубова, Абдурахим Шерматов, Мирза Аҳмедов ва бошқаларни эсладим. Ва албатта, ўзининг қаҳрамонона ҳаёти билан бутун Хонободни оламга танитган Зулфия ая Зокировани ҳам.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда Зулфия Зокированинг матонатига, сабру бардошига юксак баҳо бериб, жумладан шундай деган эди:

“Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади. Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севи ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз қимдан намуна ва ўрнаткичи олимлари керак!”

Фазлиддин ота мана шундай инсон-



талитар тузумнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув услублари, партия якка ҳокимлиги зўравонлиги оқибатлари билан ҳам мардонавор курашган. Булар ҳақида китобда батафсил сўз юритилади.

Китобни ўқир эканман, улуг шoirимиз Абдулла Ориповнинг:

*Шоирга дедилар: – Сиз бахтли Инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.*

*Шоир жавоб қилди: – Менда бир армон:
Муаллим десалар мени қанийди!*

– деган бетакор сатрлари ёдга келади. Муаллимлар ана шундай улуг инсонлардир!

Шуни қайд этиш керакки, бизнинг авлод Парда Турсуннинг “Ўқитувчи”, Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” асарларини ўқиб, катта бўлган ва му-

■ Эҳтиёт шарт!



ларида 324 ўрин ташкил этилган. Пунктда беморлар “Глюкоасалан”, “Регидрон” каби тузли эритмалар ёрдамида 4-8 соат давомида даволанади ҳамда ёш оналарга фарзандларига шу эритмаларни уй шароитида қандай ичириш қоидалари ҳам ўргатилади.

– Бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимида касаллик ўчоқларида тезкор профилактик чора-тадбирлар ўтказиш мақсадида кечаю-кундуз фаолият юритадиган навбатчилик гуруҳлари ташкил этилган, – дейди эпидемиология бўлими мудири Ғиёс Мурватов. – Ҳар бир касаллик ўчоғидан сув ва истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар олиниб, бактериологик текширувлар ўтказилади. Қайд этилаётган ўткир диареянинг кунлик, ҳафталик ва ойлик таҳлиллари қилинади. Шунингдек, ҳудудий бўлимлар мутахассислари томонидан деҳқон бозорлари ва кўча савдолари бўйича мунтазам рейдлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли орасида тарғибот тадбирларини қулайтириш мақсадида ишлар маҳаллабай тизимида ташкил этилиб, кўча ва хонадонлар қамраб олинмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

■ Жараён

АҲОЛИНИ РЎЙХАТЛАШ – ДУНЁВИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон ҳудудида илк бор аҳолини рўйхатга олиш 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилиб, ўша пайтда республикамиз аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган. Шундан бери мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказилмаган.

БМТ 2015 йилнинг 10 июнида “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиш белгилаб қўйилди. Ҳозир ҳамдўстлик давлатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланиб кетган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам.

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш Концепцияси тасдиқланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 710-сон қарори билан 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Республикаимизнинг Андижон вилояти Хўжаобод тумани, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилояти Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида аҳоли синов тариқасида рўйхатдан ўтказилди.

Аҳолини рўйхатга олишдан асосий мақсад – мамлакатда аҳоли таркибининг ҳолати ва ўсиш динамикаси ҳақида социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборатдир.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олишнинг қуйидаги асосий вазифалари мавжуд:

– аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чо-

раларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

– шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш;

– аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

– ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни уч босқичда амалга оширилади.

Биринчидан, аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида аҳолини хабардор қилиш лозим. Бунинг учун барча ҳудудларда маҳаллий телевидение ва радиода чиқишлар қилиниши, газе-та ва журналларда мақолалар чоп этилиши, маҳаллалар, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида мунтазам равишда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилиши мумкин.

Иккинчи босқичда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар (аҳолининг демографик ҳолати, жинси, миллати, ёши, маълумоти) йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу таҳминан икки ой муддатни ташкил этади.

Учинчи босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил этилиб, натижалар эълон қилинади.

Ўрол САТТОРОВ,
Тошкент вилояти статистика
бошқармаси бўлим бошлиғи

Ёзнинг жазирама кунларида аҳоли, айниқса, болалар ўртасида авж оладиган мавсумий касалликлардан бири – ўткир диареядир. У халқ орасида ичбуруғ ҳам дейилади.

Маълумки, ёзда таом ва егуликлар сифати жуда тез бузилади. Айниқса, сут ва сут маҳсулотлари қисқа муддатда айниб қолиши, аммо мазасида дарров сезилмаслиги мумкин. Уларни истеъмол қилиш касаллиқни келтириб чиқаради. Яна бир асосий сабаб эса гигиена қоидаларига риоя қилмасликдир. Масалан, болалар кўчада ўйнаб уйга киргач, овқатланишдан аввал қўлларини совунлаб ювишни, ҳўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин яхшилаб чайишни унутишади. Оқибатда оғиз орқали организмга тушган бактерия ва вируслар диарея, дизентерия, сальмонеллез каби ўткир юқумли ичак касалликларини кўзғатади.

Ўткир диарея асосан ҳавонинг кескин исиши оқибатида турли микроб ва вируслар кўпайишига қўлай шароит яратилиши натижасида келиб чиқади. Хасталиқнинг енгил ёки белгисиз кўриниши билан оғриган беморлар кўпинча тиббий ёрдамга мурожаат қилмайдилар ва ташқи муҳитга микроб тарқатувчи манбага айланадилар. Бу тоифа кишиларнинг савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган корхона, болалар муассасалари, сув таъми-

ноти ишларида, айниқса, уларнинг тўй ва маросимларда таом тайёрлаш жараёнида иштирок этиши атрофдаги соғлом одамларга катта хавф туғдиради. Касаллик кўпайишининг олдини олиш мақсадида беморларни ўз вақтида бошқалардан ажратиб даволаш мақсадга мувофиқ.

Хасталик йил давомида ҳам қайд этилиши мумкин. Лекин айнан ёз ойларида кўпайишига чанқоқчи қондириш мақсадида қайнатилмаган сув, кўчаларда

"ЁЗ ОҒРИҒИ"дан САҚЛАНИНГ

санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаган ҳолда сотилаётган: айрон, турли шарбатлар, морс, квас каби салқин ичимликларни истеъмол қилиш сабаб бўлади. Шунингдек, рухсат этилмаган сув ҳавзаларида чўмилиш натижасида ҳам болалар ва ўсмирлар орасида турли хил ошқозон-ичак касалликлари кўпаяди.

– Организмдаги бактерия ва вируслар ичак шиллиқ қаватини яллиғлайди ва улардан ажралган токсинлар қонга сўрилиб, бутун танани заҳарлайди, – дейди вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлими катта ҳамшираси Ҳафиза Рўзиева. – Оқибатда икки соатдан 2 кунгача бўлган инкубацион даврда диарея-

нинг илк белгилари намоён бўлади. Беморда ҳолсизлик, кўнғил айнаши, қайт қилиши, тана ҳарорати кўтарилиши, қорин оғриши каби белгилар кузатилади. Ўткир диарея беморнинг ҳолати ва организмга тушган микроб ёки вируснинг хусусиятига қараб енгил, ўрта, оғир, баъзан типик бўлмаган шаклда ўтиши мумкин. Касаллиқни даволашда ҳар бир дақиқа муҳим. Яъни, беморга қанча эрта ташхис қўйилиб, муолажа тез бошланса, натижа самарали бўлади. Беморни уй шароитида, шифокорга мурожаат этмасдан,

“ўз билганича” даволаш, антибиотик ва турли дориларни тартибсиз ичириш касаллиқнинг асл сабабини аниқлашга имкон бермайди ва беморнинг аҳоли оғирлашишига олиб келади. Шунинг учун ота-оналардан соғлом турмуш тарзи, овқатланиш рақсонига риоя этиш, болада юқоридаги ҳолатлар кузатилса зудлик билан шифокорга мурожаат қилишларини сўрардик.

Санитария ва эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси вилоят бошқармаси берган маълумотларга кўра, вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларининг бирламчи бўғинларида 204 та регистратсия (ёғиз орқали суюқлик юбориб даволаш) пункт-



■ Эълон

“МУСАФФО ОБИ ҲАЁТ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2023 йил 25 июлдаги VI-78-71-10-0-К/23-сонли қарорига асосан, Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖнинг ичимлик ва оқова сув тармоқларига тўғридан-тўғри уланган истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати тарифлари нархларига 2023 йил 20 августдан бошлаб ўзгартириш киритилишини маълум қилади:

Аҳоли учун:	
Ичимлик суви	– 1 м. куб учун – 600,00 сўм
Оқова хизмати	– 1 м. куб учун – 400,00 сўм

Бюджет корхоналар учун:	
Ичимлик суви	– 1 м. куб учун – 1000,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)
Оқова хизмати	– 1 м. куб учун – 500,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)

Юридик корхоналар учун:	
Ичимлик суви	– 1 м. куб учун – 3500,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)
Оқова хизмати	– 1 м. куб учун – 1100,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)

Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:	
Ичимлик суви	– 1 м. куб учун – 600,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)
Оқова хизмати	– 1 м. куб учун – 400,00 сўм (+12 фоиз ҚҚС)



■ “Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Миллат тарихи ҳақида битилган энг гўзал битикларидан бири бўлмиш, 70-йилларда ёзган “Карвон кўнгириги” лирик достонида миллатимизнинг аянчли ўтмишини истиоралар, ташбеҳлар, ўта нозик рамзий ишоралар орқали кўрсатиб берган. Бухорони забт этган барча истилочиларнинг тилидан айтилган: “Шахмат тахтасига ўхшар Бухоро!” қайтариғи зукко ўқувчи қалбида: “Бугун оқлар ютган бўлса, эртага албатта қоралар ютади!” деган неқбин умидни уйғотади. Ўша давр учун бу шеърни битиш катта жасорат эди.

Мунгли дутор, мунгли дутор, мунгли тор,
Кўксинг ёриб, унга нола
солган ким?

Шоирнинг шеърият пиллапоёларига дадил қадам қўяётиб ёзган юқоридаги мисра билан бошланувчи шеъри (1967) менинг қалбимда узоқ йиллар, нечун ёш шоирнинг қаламидан бунчалар қалбўртар мунглиг садолар чиққан, деган саволни уйғотар эди. Кейин-кейин шуни англадим-ки, XX аср ўзбек шеърияти, наинки шеърияти, балки бутун бошли адабиёти учун энг мураккаб ва энг долғали давр бўлди. Минг йиллик мумтоз адабиёт ўзани замонавий адабиётга бурилди. Янги адабиётнинг яловбардорлари қатагон қилинди. Қаттол тузум миллат ўзининг ўтмиш тарихию, адабиётини, маънавиятини унутсин деган мақсадда қисқа 10 йил ичида унинг алифбосини икки марта ўзгартирди. Қатлиом, қаттол уруш, 1948 йилдан бошланиб, Сталин ўлимигача давом этгани қама-қамалар кўрқув салтанатини бунёд этди... Манфур кўргуликлардан омон қолган катта адиблар тириклик ва тирикчилик ваҳжю ваҳмидан “олтин қафас”-ни тараннум этишга киришди. Ёш адиблар-чи? Онасини йўқотган, қайси йўлдан, қаёққа юришини билмаган етим кўзилардек гарангсиб қолишди. Қалам ушлаган ахли ижод борки, боши узра кўринмас дорнинг сиртмогини ҳис қилиб турарди. Камсонли асарларни ҳисобга олмагандан, ўтган асрнинг ўрталари ўзбек адабиёти учун ўлик давр бўлди. Адабий “портлаш”лар кузатилмади. Адабиёт сиёсатнинг соқов хизматкорига айланди.

Хайриятки, 60-йилларда янги тўлқинлар пайдо бўлди. Эркин (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мен ўстирдим Шеър деган дарахт...

Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Абдулла Шерлар авлоди чайқалган қайиқларда адабиёт дарёсида бирин-кетин суза бошлади. Бугунги кун назари билан ўша даврда қалам тутшини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Орта юриш – борса келмас, олдга юриш – борса келмас! Атрофга аланглаш – мумкинмас! Истасанг-истамасанг сиёсат икки томонингдан чиқиб берган қизил чизиклардан чиқиб кетмасдан ижод этасан. “Мен” – йўқ, “биз” – бор!

“Мунгли дутор” “Созим”ни соғиниб ёзилган шеър. Чўлпоннинг изтиробларини энг ваҳимали, кўрқинчли даврда ўзида имкон қадар қайта оҳангларда ёдга солган шеър.

Абдулла Шер ўша даврни қуйдаги нимкоса сатрларда қуйдагича ифодалаган:

“Қаламдонда туравериш жим,
Япроқ ёзмиш қалам
хам, ё раб!...”

“Олис юлдузларнинг
совуқ шугласи
Жим титраб, бошимни
силайти бу кеч...”

“Сукунат шағиллар
қулоқларимда,
Сукунат чарчиллар
қароқларимда...”

“Кўзда ёшим ҳалқа-ҳалқа
ҳалқадир,
Ҳалқа учра қайтмас
дунё қалқадир...”

Бу ҳалқалар наинки, кўз ёшидаги ҳалқалар, балки оёқ ва кўллардаги ҳалқалардир. Бу ҳалқаларнинг ичида қайтмас дунё – миллатнинг буюк ўтмиши қалқади – тебранади. Бу соат миллининг тебраниши эмас, бу – қорачикдаги гунг тебраниш.

Шоирнинг “Мунгли дутор” шеърини Чўлпоннинг “Созим” шеърига ҳамоҳанг деса арзийди. Ҳар икки шеърдаги мунг – миллатнинг қалбида яшириниб ётган изтиробларни, сирларни уйғотади. Инчунун, шоирларнинг энг катта вазифаси халқнинг қалбини созу дутор сингари чертиб, унда кўмилиб ётган оҳанглари уйғотиш. Ўзлигини ёдига солиш. Ўтмишдан сабоқ чиқармаган халқ ёруғ келажакка муносиб эмас. Тарих қора ранглар билан бўялган, алифбо унутилган, дунёда фақат қизил рангдан бошқа рангги тан олмайдиган тизимда мозийга мўралаш жиноят билан тенг қўрилади. Лекин, ўша олис ўтмишдаги “Карвон кўнгириги” шоирни тушларида безовта қилади, “Қадимги куйлар” юрагига тинчлик бермайди. У “Ортимга боқдим бугун, Олдга юрмоқлик учун” – дея тақик пардасини суриб, дамба-дам ўқувчисига шонли мозийни кўрсатаверади. Унга жаҳонгир бобосини “Бобонг оқсоқ бўлган!” – дейишса, у тарихни ўрганиб, “Лекин, қадамини судраб босмаган!” – дея мағрур жавоб қайтаради.

Дастлабки шеърлариданоқ қадимги куйларга қулоқ тутини хуш кўрган шоир, гарчи олтимш йиллик ижодида ўзбек шеъриятининг барча жанрларида катта кўламда ижод этган бўлса-да, лириканинг барча турларида сермаҳсул қалам тебратган эса-да, жанрлардан қатъи назар, тарихий мавзусига асарлари сатрларини йўлчи юлдуздек ёритиб турди. Шоир шонли келажакни шонли тарих яратишини тараннум этди. Мунгайиб қолган миллатга Муқаннадан тортиб, Алимқулибеккача эслатди. Натижада, шохлари илдизига қараб ўсадиган дарахтга айланди.

Абдулла Шер шеъриятининг яна бир ўзига хослиги шундаки, шоир шеърларида муттасил ички “мен”-ни кашф этади. “Мен”ни “биз”дан устун қўяди. Инсоннинг “мен”и

улғайишига, ўсишига, юксалишига сабаб бўлишини ишоралар қилади. Албатта, бу “мен” – “сиз” билан “биз”. “Мен”ни кашф этиш баробарида, у “биз”ни кашф этади. “Биз”ни умумий “биз”дан миллатим дейдиган “мен”-га қайтишга ундайди. Инсон дунёга ёлғиз келади, ёлғиз кетади. Намозни ёлғиз ўзи учун ўқийди. Алалоқи-бат савол-жавобни ҳам ёлғиз ўзи беради. Шоир “мен”ни тизим яратган “биз”нинг ортига яширинмаслигини хоҳлайди. Шоирнинг “мен”и бизни “мен”имизга – ўзлигимизга қайтаришга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, биз онгига шўро мафқураси сингдирилган авлод: “Бу – менинг тилим!”, “Бу – менинг ерим!”, “Бу – менинг тарихим!”, “Бу – менинг миллатим!”, “Бу – менинг Ватаним!” деган тушунчалардан йироқ тарбияландик. “Бу – бизнинг уйимиз!” қабилида. Ана шунинг учун муқаддас тушунчаларимиз ҳар кимниқига айланди.

қалам билан қудуқ қазийдиган шоир.

Шоирлар неча ёшгача шеър ёзишади? – деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Нега бобо шоирларимизни тўқсон, юз ёшгача кўларидан қалам тушмагану ҳозирги шоирларни эллик ёшдан кейин “пуфаклари пучайиб” қоляпти? Нега саксонга кирган Абдулла Шер бобо-шоирларимиз сингари тобора илҳоми очилиб боряпти?

Назаримда, бунинг сабаблари кўп. Асосий сабаби, шоир шеъриятни ҳарорат, сабр ва қисмат деб билади. Сўзга садоқатли, нечоғли бўлмасин, эътиқоди ва ғоясини шоирона ўжарлик билан ҳимоя қилади. Мавлоно Лутфий тўқсон саккиз ёшларида “Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма” деб ёзган бўлсалар, устоз Абдулла Шер саксонга юзлашаётиб ёзадилар:

Кел, жоним, сочингага
толпоқук ула,
Ёшлик бир зум айтсин
бизга ашула,

Мен – шоирман, мен – Абдулла Шер,
Барлосларнинг саркаш фарзанди.
Осмон гувоҳ, гувоҳ она-ер,
Мен асримга эмас асранди!

Дедиларки: “Зўрдир ганж кучи,
Эғилиб ол, унда шон, мулк бор!”
Эғилдиму, қаламим уч,
Юраимга қадалди илк бор.

Юсак пафос билан ёзилган, ҳар сатридан миллий ғурур садолари жаранглаб турган ушбу шеър, шоирнинг тумор-шеърдек назаримда. Мана шу шеърда шоирнинг эътиқоди, маслаҳати, “мен”и, амали-ю тамали ёрқин бўй кўрсатади. Бу шеърни ўқиган ўқувчи борки, тетиклашади, бардамлашади, руҳи қувватланади, қоронгу юраги ёришади. Шеърдаги “мен” эгилмасликка, буюлмасликка ундайди.

Шоир ижоди ҳақида сўз юритган жамики мунаққидлар, унинг шеърий техникаси мукамаллигини эътироф этишади. Айни ҳақиқат. Бундан ташқари, устознинг шеърияти ҳақида яна бир омади гапни айтиш лозим: лирик шеърлар, дoston, баллада, ғазал, маҳаммас, рубойи, туюқ, қитъа, фард, оқ шеър, октава, сонет, ҳайку... бу шеърлар ёш ўзбек шоирлари учун бемалол адабиёт назарияси вазифасини ўтатиш мумкин.

Абдулла Шер сўзни севадиган шоир. Сўзни арқондек эша биландиган шоир. Биргина китобларига қўйилган номларга эътибор беринг: “Кўклам табассуми”, “Роз”, “Атиргул сояси”, “Қадимги куй”, “Тоқат”, “Енаётган йўл”, “Ёмғирлар оралаб”, “Гул йиллар, бўлбул йиллар”, “ Куртакларга беркинган баҳор”, “Чайқалган қайиқларда”... бу номларнинг ўзиёқ – шеър.

Шоир нафақат сўзни севади, балки сўзгарлиқни қисмат деб билади. Тупроққа эгмаган қаддини қоғозга этади. Бир сўз билан айтганда,

Носиржон ТОШМАТОВ,
“Муштум” журнали
бош муҳаррири,
шоир

Чинакам шоирлар қаримаиди. Чунки, хушсуврат мангу ёш илҳом париси у билан доим бирга. У илҳом парисига хиёнат қилмайди. Илҳом париси қўлоғига шивирлаган сеҳрли сўзларни қоғозга туширади. Тама илинжида кимлардир шивирлаган сўзларни зўрма-зўраки қоғозга туширмайди.

Абдулла Шернинг олтимш беш йиллик ижодини зимдан кузатган мухлислари шоир шеърлари йилдан-йилга, китобдан-китобга ёшариб, аввалгиларидан-да гўзал бўлиб бораётганини, албатта, сезадилар. Шу сабаб, Абдулла Шер ижодини йилнинг тўрт фаслида ҳам гуллайдиган дарахтга ўхшатса арзийди. Зеро, мақоламиз сарлавҳасига шоирнинг сатрини бежиз чиқармадик: “Мен ўстирдим Шеър деган дарахт...”

Фаслларни писанд қилмай қийғос гуллаб турган бу дарахт бобони шу кунларда саксон ёшни қаршиляпти. Биз бу дарахтнинг юз ёшда ҳам шундай гуллашини, унинг сархил мевалари – шеърий гулдасталари минг йиллар бўй сочиб, ранглари шеърхонлар кўзларини қувнатиб туришини тилаб қоламиз.



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Nashr uchun mas’ul:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 18:30

Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-731.

6 077 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

Биринчи шеър хотираси

Бу дунёнинг оку қораси
Илк бор ҳар хил кўринган маҳал,
Кўкдан тушиб сўзнинг сараси,
Ватанимга бахш этдим ғазал.
Ва келажақ даричасини
Ланг очдимۇ саволларимга,
Ўзбекистон харитасини
Қоқиб қўйдим хаёлларимга.

* * *
Кулиб-кулиб, яшадим қанча,
Йиғлаб-йиғлаб, қанча яшадим!
Ҳақиқатни дилга тукканча,
Бу дунёда анча яшадим.

Мусиқани севиб юракдан,
Айлантирдим умримни созага;
Битта бўлиб қулоқ, юрак, тан
Ном бахш этди номсиз овозга.

Дунё кездим юртимни севиб,
Қадамимдан дув тўкилди вақт.

* * *
Сўзларимни эрк билан ювиб,
Мен ўстирдим Шеър деган дарахт.

Бир дарахтқи, шамолларга ҳам
Берар овоз, берар ажиб тил;
Бир дарахтқи, хаёлларга ҳам
Ранг улашиб, қилар ям-яшил.

Тебранади менинг дарахтим,
Мангус сўлмас боғларга ошно.
Удир менинг илдизли тахтим,
Удир қилиш гуллаган дунё.

Ваъда Рафиқам Ёқутхонга

Ҳали гуллар экиб боғимга,
Устираман ниҳолларимни,
Олислардан боқиб тоғимга,
Чақираман шамолларимни.

У пайт бари бўлади гўзал:
Кундуз – қуёш, тунда кезар ой.

Сурмарангли шом кўнган маҳал
Харсанглари куйлатади сой.
Ерда ишин битириб бир-бир,
Тоққа чиқиб кетади баҳор...

Баралар ўйнар шамолда ғир-ғир,
Намозшомеул гуллайти тақорор.

Ёшарамиз у пайт икковлон,
Райхонларнинг бўйини бўйлаб.
Ҳовлимизга тушади осмон
Иккимизни юлдуз деб ўйлаб.

У пайт бари бўлади гўзал,
Ширин ёлгон айланар чинга.
Мен сенга деб асраган ғазал
Байт-байт бўлиб кўнар қафтинга.

Ҳали бари бўлади гўзал...

Оила

Оғримай қўяди эски яралар,
Ноқулай сезилмас бужмалар изи.
Олисда қолдилар қувноқ
давралар,
Энди масит қилади келиннинг иси.

Гўёки киприкка кўнандек қуёш
Фақат ёруғлиқни кўрар кўзларинг.
Уфқ ёш, олам ёш, сен ёшсан, у ёш,

Яшариб кетди ҳатто сўзларинг.

Тунлари тўшакда ёнган
қўш гулхан,
Кундузги дунёни ёритар бирга.
Шундай пайдо бўлар кичик
бир ватан

Йўғрилиб муқаддас
қадимий нурга.

* * *

Ўзимни кўтариб яшайман ўзим,
Сўзимни кўтариб яшайман ўзим,
Кўзимни кўтариб яшайман ўзим
Бу ёлгон дунёдан тўйганим учун.

Аждодлар хокини деб:
“Ота юртим!”,
Япроқдек сарғайдим,
куртакдек бўртдим,

Бўйинтуруқдаги Ғиротдек йўртдм
Ватан дардларига куйганим учун.

Кимман, деб замондан
ўзни сўратдим,
Йилу ой, кунимни нурга қаратдим, –
Умримни чўқ қилиб, элга таркатдим
Жафокаш халқимни суйганим учун.

Абдулла ШЕР